



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 6 март, № 46 (8941)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
5 март куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби
Нурлан Ермекабаевни қабул қилди.



Ушбу нуфузли ташкилот дои-
расидаги кўп томонлама шерик-
ликни ривожлантиришнинг дол-
зарб масалалари муҳокама
қилинди.

Барқарорлик ва хавфсизликка
тахдид солаётган умумий хавф
ва хатарларга қарши курашиш-
да амалий саъй-ҳаракатларни
кенгайтириш, яхши қўшничилик,
ишонч ва шериклик тамойилла-
ри асосида ҳамкорликни янада
чўқурлаштириш муҳим экани
таъкидланди.

Самарқанд саммитида бош-
ланган ШҲТ фаолиятини мо-
дернизация қилиш жараёнини
давом эттириш, жумладан,
ташкилотнинг барча тузилма-
лари фаолияти самарадорли-
гини оширишга алоҳида эъти-
бор қаратилди.

«Янги иқтисодий мулоқот»-
ни ривожлантириш концеп-
цияси ва мамлакатимизнинг
бошқа қатор ташаббусларини
амалга ошириш зарурлиги
қайд этилди. Булар савдони

соддалаштириш тўғрисидаги
битим, электрон тижорат
дастури, инвестицияларни
рағбатлантириш чора-тад-
бирлари, логистикада ра-
қамлаштириш режаси, «ШҲТ
келажақ технологиялари»
дастури, Озиқ-овқат хавфсиз-
лиги атласи ва бошқаларни
қабул қилишди.

Шунингдек, Хитойда бўлажак
ШҲТ саммитига тайёргарлик
кўриш масалалари муҳокама
қилинди.

КўП ҚИРРАЛИ МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган
Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе бошчилигидаги
делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида олий мартаба-
ли меҳмон давлатимиз раҳбарига Грузия
Президенти Михаил Кавелашвилининг
саломи ва энг эзгу тилақларини ет-
казди.

Савдо-иқтисодий, инвестиция,
транспорт-логистика, туризм ва мада-
нийат соҳаларидаги ўзаро манфаатли
ҳамкорликни кенгайтириш масалалари
кўриб чиқилди.

Парламентлар ва ҳукуматлар дара-
жасидаги алоқалар фаоллашгани ало-
ҳида мамнуният билан қайд этилди.
2024 йилда ўзаро товар айирбошлаш
50 фоизга ошди, қўшма корхоналар
сони ва юк айланмаси ҳажми кўпайди.
Пойтахтлар ўртасида тўғридан-тўғри

авиарейслар амалга оширилмоқда.
Мамлакатимизда грузиялик инвестор-
лар иштирокида ташкил этилган рақам-
ли банк фаолият юритмоқда. Гумани-
тар йўналишда ўтган йили Тбилиси шах-
рида Ўзбекистон маданияти ва кинеси
кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Суҳбат давомида шу кунларда
Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ҳукумат-
лараро комиссиянинг навбатдаги йи-
ғилиш яқунлари юксак баҳоланди.

Товар айирбошлаш суръатини
сақлаб қолиш, экспорт ва импорт
мутаносиблигини таъминлаш, сано-
ат кооперацияси лойиҳаларини ил-
гари суриш, транспорт-транзит са-
лоҳиятидан самарали фойдаланиш,

шунингдек, икки мамлакат худудла-
рини иқтисодий ҳамкорликка фаол
жалб қилиш бўйича ўзаро мувофиқ-
лашган чоралар кўриш муҳимлиги
қайд этилди.

Рақамлаштириш ва туризм инфрату-
зилмасини ривожлантириш борасидаги
шериклик ва алмашинувларни кен-
гайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Эришилган келишувларни амалга
ошириш мақсадида келгусида Ўзбе-
кистон ва Грузия ҳукуматлари даража-
сида яқиндан ҳамкорлик қилишга ке-
лишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ — УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФА, ҲАР БИР ВАТАНПАРВАР ЮРТДОШИМИЗНИНГ ВИЖДОН ИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида иштирок этди.
Йиғилишда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берилиб, келгуси вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида коррупция
ислохотлар йўлидаги энг катта тўсик ва ғов экани
таъкидлади.

Шу боис сўнгги йилларда бу илатга қарши
курашиш бўйича қонунлар қабул қилиниб, янги
тизим яратилди. Парламент палаталарида масъул
қўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш бўйи-
ча миллий кенгаш ва агентлик ташкил қилинди.

Энг муҳими, жамиятда коррупция муаммо-
сини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқади-
ган очик тизим, очик муҳит яратилди. Айниқса,
оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги
ўрни ва таъсири ортиб бормоқда.

Аввало, коррупциянинг омилларига қарши
курашилмоқда. Масалан, ерни ҳоким қарори
билан ажратишдан тўлиқ воз кечилиб, аукцион
тизимида ўтказилгани натижасида бу тизим
халқчил бўлди. “Шаффоф қурилиш” дастури жорий
этилганидан кейин бу соҳада ҳам ижобий
ўзгаришлар сезилди.

Давлат харидлари бўйича қонун қабул қилин-
гани, танлов ва тендер рақамлашиб, соғлом
рақобат бўлгани учун ўтган йили 14 триллион
сўм бюджет маблағи тежалди.

Бугунга келиб, барча банклар 100 миллион
сўмгача маиший кредитларни инсон омили-
сиз 5 дақиқа ичида онлайн бериляпти. Натижада ол-
дин бу иш билан шуғулланган минглаб банкир-
лар энди маҳаллага тушиб, одамларга лойиҳа,
кредит таклиф қилиб, мижозини кўпайтириш
билан ишляяпти.

Мактабгача ва мактаб таълими тизимида
10 дан ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон
шаклга ўтказилди. Бу соҳада муурожаатлар сони
2,5 каррага камайди.

Олий таълим тизими ҳам рақамлаштирилди.
Аввал тест топшириб, тўплаган балига қараб,
кейин олийгоҳни танлаш жорий қилинди. 35 тур-
даги ҳужжатлар инсон омилисиз олишга ўтил-
гани учун соҳадаги муурожаатлар 2,2 баравар
камайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори боди
камерада хизмат ўтаётгани, авторакмалар
аукционда сотилаётгани, қорғоздаги баённома
йўқ бўлгани учун коррупция омиллари кескин
камайди.

Аҳоли ва тадбиркорларга “халқ хизматидаги
давлат” тамойили асосида хизмат кўрсатиш
йўлга қўйилди. Хусусан, 120 турдаги ҳужжат-
ларни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва
рухсатномалар бекор қилинди. Натижада
200 мингга яқин янги тадбиркорлар бозорга
қириб келди. Чет эл иштирокидаги корхоналар
қарийб 5 карра ошиб, 23 мингга яқинлашди.

Электрон давлат хизматлари сони 15 карра
ортиб, 721 тага етди, улардан фойдаланувчи-
лар эса 11 миллиондан ошди.

Энг муҳими, булар орқали аҳоли, тадбир-
корлар, хорижий ҳамкорларимиз, халқаро таш-
килотлар ва инвесторларнинг ислохотларга
ишончи мустаҳкамланди. Сўнгги етти йилда
120 миллиард доллардан ортиқ инвестиция
қиргани, иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, ўтган
йили 115 миллиард долларга етгани бунинг
исботи.

Президент коррупцияга қарши курашиш
доимий жараён эканини айтиб, бу борадаги
долзарб масалаларни ва келгуси вазифаларни
кўрсатиб ўтди.

Хуқуқ-тартибот идоралари, асосан, корруп-
цияни аниқлаш ва жазолаш билан ишлаб,
коррупциявий омилларни таг-томири билан
йўқотадиган превентив чоралар эътиборсиз
қолаётгани қайд этилди.

Шу боис Коррупцияга қарши курашиш
агентлигининг иш услуби ўзгартрилиши бел-
гиланди. Бунинг учун, тажриба тариқасида 5 та
— Соғлиқни сақлаш, Қурилиш, Сув ҳўжалиги
вазирликлари, “Ўзбекнефтегаз” ва “Ўзсувтаъми-
нот” акциядорлик жамиятларининг комплаенс
назорати агентликлари ўтказилди.

Шунингдек, туманлар даражасига тушиб, ма-

иший ва тизимли коррупция омилларини чўқур
ўрганади. Таҳлиллар асосида аниқ чораларни
ишлаб чиқиб, миллий кенгашга тақдим этади.

Коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи ту-
ман ва маҳаллада маиший коррупция шаклида
содир этиляпти. Шу боис энди Коррупцияга
қарши курашиш худудий кенгашлари таркиби
тўлиқ янгиланади. Уларга вилоят халқ депутат-
лари Кенгаши раислари бош бўлади.

Худудий кенгашлар коррупциявий омиллар-
ни аниқлаб, уларга барҳам бериш учун қонун-
чиликни ўзгартириш, жазо муқаррарлигини таъмин-
лаш бўйича миллий кенгашга таклиф киритади.

Бундан саккиз йил аввал худудларни комп-
лекс ривожлантириш бўйича секторлар фаоли-
яти йўлга қўйилган эди. Бу тизим ижтимоий-
иқтисодий муаммоларни ҳал этишга кўмаклаш-
ди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда худудлар
салоҳияти ошди.

Шу боис энди прокурор, ички ишлар ва солиқ
раҳбарлари секторлар фаолияти билан шуғул-
ланмаслиги белгиланди. Жиноятчиликнинг ол-
дини олиш, унга қарши курашиш бўйича қўшм-
ча вазифалар қўйилди.

Давлат харидларида коррупциянинг олдини
олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.
Шу мақсадда Эксперт комиссияси тузилади.
Илғор тажриба асосида давлат харидларида то-
варларнинг ўртача бозор нархлари кўриниб ту-
радиган электрон платформа яратилади. Бун-
да, давлат харидларида сотиб олинадиган то-
вар ва хизматлар нархи ўртача бозор нархидан
кўпи билан 20 фоиздан ошмаслиги шарт. Ушбу
талабни бузганлик учун қонун билан жавобгар-
лик ва жарималар жорий қилинади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ ҳис-
обидан асосий воситаларни харид қилиш бўйи-
ча талаблар ҳам кучайтирилиши белгиланди.
Давлат идораларининг харидларида мамолақа-
тимизда ишлаб чиқарилаётган транспорт ва ме-
белга устуворлик бериш зарурлиги қайд этил-

ди. Йирик лойиҳаларни юқори даражадаги кор-
рупцияга қарши стандартлардан келиб чиқиб
баҳолаш талаби қўйилди.

Коррупциянинг олдини олиш — давлат
хизматига профессионал ва фидойи кадрлар-
ни танлаш ҳамда уларни “халоллик вакцинаси”
билан эмлашдан бошланади. Шу боис ишга
олишдаги тартиб ва ёндашувларни такомил-
лаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат хизматчилари даромадини декларация-
ялашга оид қонун зарурати қайд этилиб,
унинг лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига
қўйилиши белгиланди.

Фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги ав-
лодни тарбиялаш мақсадида таълим масканла-
рида халоллик ғояларини синдириш, уларнинг
ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги
кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари нутқида жамоатчиликка
муурожаат қилиб, коррупцияга қарши курашиш
умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар
юртдошимизнинг виждон иши эканини
таъкидлади.

— Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат
қилсак, албатта, катта ижобий самарага эри-
шамиз. Шу боис маҳалла фаоллари, нуруний-
лар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва
маданият ходимлари, тадбиркорлар, таниқли
шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар —
умуман бутун жамоатчилик бирлашиб, корруп-
цияга “жамият танасидаги саратон” сифатида
қарши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда парламент ва ҳукумат аъзолари,
жамоатчилик вакиллари билан мулоқот бўлди.
Умуман, илк маротаба бундай тарзда йиғи-
лиш ўтказилиши коррупцияга қарши кучли
сийсий иродани намён этди.

Давлатимиз раҳбари аниқ мақсадга йўнал-
тирилган 55 та ташаббусни илгари сурди. Улар
доирасида 5 та қонун, 12 та Фармон ва қарор-
лар ишлаб чиқилади. Коррупцияга қарши

курашишда парламент, миллий ва худудий кен-
гашлар, фуқаролик жамияти институтларининг
роли оширилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий
асослари кучаяди. Декларациялаш, ноконуний
бойлик орттиришга оид янги тартиблар кири-
тилиши натижасида коррупция омиллари чек-
ланади. Коррупцияга қарши курашиш агентли-
ги, ташкилотлардаги ички назорат тузилмала-
ри фаолияти кучайтирилади.

Вазирлик, идоралар раҳбарлари масъулияти
оширилади. Давлат хизматлари сифатини аҳоли
баҳолайдиган тизим яратилади, энг ёмон
кўрсаткичга эга соҳа раҳбарлари бўйича чора
қўрилади.

Назорат инспекциялари мустақиллиги оши-
рилади. Йирик инвестиция лойиҳаларида, аук-
ционларда коррупциянинг олдини олувчи ме-
ханизмлар жорий этилади.

Давлат харидлари тартибга солиниши, тўғри-
дан-тўғри харидлар чекланиши ҳисобига бюд-
жет маблағлари тежаллиши таъминланади. Дав-
лат пулини мақсадсиз сарфлаш ҳолатларига
барҳам берилади.

Секторлардан озод бўлган куч ва воситалар
жиноятчиликка қарши курашишга сафарбар эти-
либ, жамиятда барқарорлик муҳити ва одам-
ларнинг розилиги ортади. Ноконуний текши-
рувлар устидан прокурор нозорати кучайтири-
лиши орқали жойларда бизнес ва инвестиция
муҳити яхшиланади.

Эришилган натижалар халқаро рейтинглар-
да мамлакатимиз ўрнини яхшилайди. 2027 йил-
да UNCSA конференцияси мезбонлигига Ўзбе-
кистон номзодини маъқуллаш учун замин ҳозир-
лайди.

Энг муҳим, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг
ҳуқуқий онги юксалтирилиб, жамиятда коррупция-
га қарши курашишга дахлдорлик шаклланади.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ ЭНГ КАТТА ТЎСИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида ислохотлар ҳал қилувчи босқичга кираётган ҳозирги вақтда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича ишларга баҳо бериб, келгуси вазифаларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади. “Ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов — бу коррупциядир. Бунинг дунё тажрибаси ҳам тўлиқ тасдиқлади. Коррупция оқибатида жаҳон иқтисодиёти йилига 3 триллион доллар зарар кўраётгани бу глобал хавф эканидан далолат. Коррупция шундай ёвуз иллатки, у халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга ишончига путур етказди, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун жиддий таҳдидга айланади”, деди Президент.

Тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган мазкур иллат ҳақида гап борар экан, мамлакатимизда коррупция ривожланган соҳалар борасида ҳам тўхталинди. Хусусан, шу пайтга қадар қўрилиш соҳаси энг коррупциялашган тармоқлардан бири бўлган бўлса, “Шаффоф қурилиш” дастури жорий қилинганидан кейин бу йўналишда ҳам ижобий ўзгаришлар сезилмоқда. Илгари инвестиция дастурига кирган объектларни қурадиган пудратчилар сони мингтага ҳам етмаган бўлса, ўтган йилда 13,5 мингта объект қурилишда 4 мингдан зиёд пудратчилар иштирок этгани

таъкидлади мамлакатимиз раҳбари. Президент топшириғи билан инвестиция дастурлари устидан назорат кучайтирилганидан кейин ўтган йилнинг ўзида 3 трлн. сўм иқтисод бўлди. Биргина соғлиқни сақлаш тизимида Ситуацион марказ ишга туширилгани ҳисобига 2024 йилда 1,2 трлн. сўмлик мақсадсиз харажатларнинг олди олинди. Манфаатлар тўқнашуви, қиммат нархда товар сотиб олиш ёки хизмат кўрсатиш, асосан, давлат харидларида қузатилаётгани ҳам кўрсатиб ўтилди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ҳисоб палатасига парламентнинг бюджетга масъул қўмиталари билан биргаликда тўғридан-тўғри харидларни 2 қарра қисқартириш, йил якунигача сунъий интеллект ёрдамида давлат харидларида қонунга зид ҳолатларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича электрон тизимни ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Бу борада Эксперт комиссияси фаолияти йўлга қўйилиб, ушбу комиссия илғор тажриба асосида давлат харидларида товарларнинг ўртача бозор нархлари кўриниб турадиган электрон платформа яратиб, ундаги маълумот янгиланиб турадиган тизим қилиши таъкидланди. Бунда давлат харидларида сотиб олинадиган товар ва хизматлар нархи ўртача бозор нархидан кўпи билан 20 фоиздан ошмаслиги шарт. Ушбу талабни бузганлик учун қонун билан жавобгарлик ва жарималар жорий қилинади.

Президент бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинмаётган товарларни ҳам тартибга солиш вақти келгани-

Очиқлик ва шаффофликни таъминлашга янгича ёндашув

Кеча Президентимиз раислигида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг сарҳисоби, эришилган натижалар ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар батафсил муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашишда унинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш, олдини олиш ва бу борадаги профилактика ишларини тизимли бажаришда йўл қўйлаётган камчиликларга тўхталиб ўтди.

Бугунги ислохотларни амалга оширишда энг катта ғов, бу — коррупция иллати экани, у халқнинг давлатга, Конституцияга ва қонунларга бўлган ишончини сўндириши таъкидланиб, парламент палаталари томонидан бу борада қилинаётган ишларга ҳам асосли равишда танқидий баҳо берилди ҳамда тегишли қўмиталар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Шундан келиб чиқиб, қўмитамиз ўз фаолиятида бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлашда коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда қонун ижодкорлиги фаолиятига танқидий қараб, бир қанча ўзгаришларни амалга оширди.

Энг аввало, солиқ, бюджет ва пул-кредит сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш, банк ва молия тизимининг самарали фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган қонунларни кўриб чиқишда, албатта, коррупция ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиларга эътибор қаратилади. Шунингдек, Давлат бюджети маблағлари ишлатилиши билан боғлиқ барча жараённинг очиқлик ва шаффофлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан кенг фойдаланган ҳолда ташаббусли қонун лойиҳалари устида иш олиб боришини кескин кучайтиришимиз зарур.

Бюджет, солиқ, банк ва бошқа молиявий хизматлар соҳасида коррупцияга қарши қонунчиликни кучайтириш учун тизимли ёндашув талаб қилинади. Бунинг учун Президентимиз таъкидлаганидек, қонунларда шаффофликни ошириш, инсон омилини қамайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган нормалар ўз аксини топиш лозим.

Коррупциявий ҳолатларни қамайтириш учун бюджет, солиқ ва банк соҳасидаги қонунларда нормаларнинг мукамаллиги, аниқ тартибга солингани, молиявий шаффофлик ва ҳисобдорлик таъминланишига амал қилинганини пастга тушиб, маҳаллаларга бориб ўрганилади. Бунда бюджет маблағларининг тақсимилаши ҳамда сарфланиши ҳақидаги маълумотлар жамоатчилик билан муҳокама қилинади ва аниқланган ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади.

Юридикаллардан ташқари, давлатимиз раҳбари солиқ, молия ва банк тизимида рақамлаштиришга алоҳида эъти-

бор қаратишга доир аниқ вазифалар қўйди. Шундан келиб чиқиб, ушбу соҳаларда коррупция ҳавфини қамайтириш мақсадида рақамли технологияларни қўллаш, хусусан, электрон солиқ тўловлари, онлайн аудит тизимлари, автоматлаштирилган молиявий ҳисоботлар каби замонавий воситаларни кенг жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга жиддий эътибор қаратишимиз керак.

Шу нукта назардан, иш режамизда қўмита томонидан амалга оширилаётган назорат тадбирларини ҳам чуқур қайта қўриб чиқамиз.

Энг аввало, қўмита масъуллигида қабул қилинган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги ва бошқа бир қанча қонунларда коррупциянинг олдини олиш механизмлари бугун амалиётда қандай ишлаётгани ва натижа бераётганига ҳуқуқий баҳо беришимиз керак.

Шунингдек, банклар фаолиятида коррупцияга йўл қўймаслик, айниқса, молиявий хизматларни кўрсатишда инсон омилини чеклаш ҳамда бу борада рақамлаштиришни қўллашнинг ҳуқуқий механизмлари амалиётга қай даражада жорий қилингани бўйича қўмита эшитувлари ташкил этилади.

Қўмитанинг назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда Ҳисоб палатаси ва бошқа давлат молиявий назорат органлари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйишимиз лозим. Қолаверса, Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар якуни бўйича эшитувлар ҳамда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари бажарилиши юзасидан вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишни ҳам коррупция ҳолатлари ҳамда омиларни нўқтай назаридан янгича ташкил қилишимиз талаб этилади. Бундан ташқари, Давлат бюджетидан ҳар йили ажратилган субсидиялардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳолатини жойига қичиб ўрганиш ишлари уюштирилади.

Президентимиз олдимизга қўйган яна бир аниқ вазифалардан бири, бу — давлат харидлари тизимида танловсиз амалга оширилаётган харидларни танқидий руҳда қўриб чиқиш ҳамда йил якунигача тўғридан-тўғри харидлар миқдорини икки қаррага қисқартириш. Бу борада Сенатнинг масъул қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ҳамжиҳатликда тизимли ишни йўлга қўямиз.

Шерофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.

Пировард мақсад – соғлом муҳит яратиш

Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишда давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида ислохотлар ҳал қилувчи босқичга кираётган ҳозирги вақтда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича ишларга баҳо бериб, келгуси вазифаларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Сир эмаски, яқин-яқингача одамлар боласини мактаб ёки бочага жойлаштиришда сарсон бўлиб, ишини “бошқа йўлар” билан ҳал қилишга тўғри келар эди. Ўтган даврда мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши ушбу соҳада мурожаатлар сонининг 2,5 қаррага қамайишига олиб келди. Ёки бўлмаса, бундан 7-8 йил аввал олийгоҳларга ўқишга киришда таниш-билишчилик авж олган эди. Бугун соҳа рақамлашди, имтиҳонлар онлайн трансляция бўлапти. Аввал тест топшириб, тўпланган балл асосида олийгоҳни танлаш тизими жорий қилинди.

Ёки аҳолининг йўлларда хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари боди камера билан хизмат ўтаётгани, автороқамлар аукционда сотилаётгани, “қўл радар”и ва қоғоз баённома тузиш бекор қилингани учун мазкур соҳада коррупция қамайгани эътироф этилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқ-тартибот идоралари, асосан, коррупцияни аниқлаш ва жазолаш билан ишлаб, коррупциявий омиларни таг-томири билан йўқотадиган превентив чораларни эътиборсиз қолдиряётгани қайд этилди.

Хусусан, саккиз йил аввал ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Бу тизим йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиб, вазиятни ўнглаш учун барча қучларни сафарбар этишга қўмақлашди. Сўнгги йилларда ҳудудлар салохияти бир неча қаррага ошди. Лекин кейинги пайтда прокуратура, ички ишлар ва солиқ раҳбарлари секторни баҳона қилиб, ўз соҳасидаги ишларни сусайтириб юборгани танқид остига олинди.

Президентимиз Ички ишлар вазирини зиммасига маҳаллалардаги ҳар бир пропалатка масканларини қузатув камераси ва ҳар бир инспекторни боди камера билан таъминлаб, ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олиш бўйича янги платформани ишга тушириш ҳамда жиноятларни ҳисобга олиш тизимини тўлиқ рақамлаштириш вазифасини қўйди.

Бундан ташқари, Сенат камида битта ҳудудда жиноятчиликни кескин қисқартириш, Қонунчилик палатаси эса камида битта соҳада коррупцияга барҳам бериш бўйича тақлифлар бериб бориши бу борадаги ишлар натижадорлигини янада оширишга ишонч билдирилди.

Сенатга вилоят ва туман ички ишлар бошқармаларида жиноятчиликнинг олдини олишда юзага келаётган муаммоларни ўрганиш, туман бўлинмаларида муҳокама қилиб бориш вазифаси юклатилди.

Хулоса ўрнида айтсак, коррупция — энг аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлашга монелик қилиб, ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқаради. Шу билан бир қаторда, коррупция фуқароларнинг давлат бошқаруви идораларига бўлган ишончи йўқолишига олиб келиб, уюшган жиноятчиликнинг авж олишига замин яратяди ва инсонларнинг хавфсизлигига таҳдид солади. Шундай экан, бугун мақсадимиз аниқ, коррупция муаммосининг туб моҳиятини тушуниб етиш ва бу иллатга муросасиз курашиш ҳамда унинг олдини олишдан иборат.

Қўтбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофиа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

МУАММОНИНГ ҲИМИ — САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ

Сўнгги йилларда юртимизда коррупция омиларига қарши самарали кураш олиб борилмоқда.

Натижада:

- ерни ҳоким қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечилиб, аукцион тизимига ўтказилди;
- давлат харидлари бўйича қонун қабул қилинди, танлов ва тендер рақамлашиб, соғлом рақобат бўлгани учун ўтган йили **14 триллион** сўм бюджет маблағи тежалди;
- мактабгача ва мактаб таълими тизимида **10 дан** ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди.

Аҳоли ва тадбиркорларга “халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, **120 турдаги** ҳужжатларни талаб этиш, **160 дан** ортиқ лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди.

Электрон давлат хизматлари сони **15 қарра** ортиб, **721 тага** етди, улардан фойдаланувчилар эса **11 миллиондан** ошди.

ПАРЛАМЕНТ ТАШАББУСКОР БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари раислигида коррупцияга қарши курашишга бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда коррупцияга қарши қатъий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва келгуси вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Аввало қайд этиш керакки, сўнгги йилларда Президентимиз қатъий сиёсий иродаси билан Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари тубдан такомиллаштирилди.

Илгари биз коррупция иллатига қарши кўпроқ оператив-қидирув усуллар орқали кураш олиб боришни тушунар эдик. Лекин ижтимоий ҳафли қилмиш содир этиб бўлингандан сўнг унинг айбдорини қидириб жазолаш билан иш битмаслигини замоннинг ўзи бизга кўрсатди.

Шунинг учун бугун нафақат оператив-қидирув, балки “превентив” усуллар, яъни кўпроқ коррупциянинг олдини олишга эътиборни қучайтирдик. Тўғри-да, бундай иллат вужудга келмасидан олдин унинг олдини олсаккина, самара бўлади.

Давлатимиз раҳбари президентлик лавозимига киришганидан сўнг биринчи имзолаган қонунлардан бири ҳам айнан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”-ги Қонун бўлди.

Бугун мамлакатимизда “коррупция” сўзи ишлатилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Албатта, уларнинг барчасида ушбу сўз коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида ишлатилган.

Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба “коррупцияга қарши курашиш” сўзлари янги тахрирдаги Конституцияга киритилди. Коррупцияга қарши курашишда парламентнинг роли оширилди. Айниқса, давлат раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги тақлифига асосан, парламентнинг ҳар иккала палатасида коррупцияга қарши масъул қўмиталар тузилди.

Кенгайтирилган йиғилишда мана шу қўмиталар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган қатор тавсиялар берилди. Хусусан, парламентнинг

Шунга мувофиқ, мазкур қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қайта ишлаб чиқиладиган бўлди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг ноқонуний бойлик орттириш ҳолати юзасидан берган тақлифи парламентнинг масъул қўмиталари томонидан қўриб чиқилади. Албатта, масала жуда нозиклиги боис уни жорий этишдан олдин ҳар томонлама пухта ўрганилади, хорж тажрибаси орқали халқимиз билан бамаслаҳат лойиҳа ишлаб чиқилади.

Яна бир муҳим масала. Президентимиз бундан буён вазир ва ҳокимлар лавозимига қўйилишидан олдин коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режасини парламент ва маҳаллий Кенгашлар олдида ҳимоя қилишнинг назарда тутувчи қўшимчаларни “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ҳамда “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунларга киритиш юзасидан қонун лойиҳаси тайёрланмоқда.

Умуман олганда, кенгайтирилган йиғилишда берилган тавсия ва топшириқлар парламентнинг ролини оширишга қаратилган бўлиб, унинг зиммасидаги талабни бир неча қаррага оширади. Депутатлик корпуси бундай масъулиятни чуқур ҳис этаётди. Парламентнинг масъул қўмиталари коррупция иллатига қарши курашишда фаол бўлишади ва бу масала уларнинг асосий стратегик фаолият йўналиши бўлиб қолади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.

ЁШЛАР ЗИММАСИДАГИ КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг тизимли асослари яратилди. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди, парламент палаталарида махсус қўмиталар фаолият юрита бошлади. Энг муҳими, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ҳам ушбу жараёнда етакчи роль ўйнаяпти. Илгари коррупция мавзуси очик айтилмаган бўлса, бугун у жамоатчиликнинг фаол иштирокида муҳокама қилинмоқда.

Бунинг яққол ифодаси сифатида Ўзбекистоннинг халқаро очиклик рейтингларидаги ўрнининг 138 поғонага яхшиланганини кўрсатиш мумкин. Бу эса коррупцияга қарши курашда халқ ҳамда ҳукуматнинг ҳамкорлиги муҳим натижа бераётганидан далолатдир.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда ҳам давлатимиз раҳбари томонидан қатор тақлиф ҳамда ташаббуслар илгари сурилди.

Президентимиз ўз нутқида коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлади.

Айниқса, коррупцияга қарши курашда парламентнинг ролига алоҳида ургу берилиб, Сенат камида битта ҳудудда жиноятчиликни кескин қамайтириш, Қонунчилик палатаси эса камида битта соҳада коррупцияни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиб бориши кераклиги белгиланди. Шунингдек, бундан буён вазир ва ҳокимлар лавозимга тайинланганидан олдин коррупцияга қарши аниқ режа ишлаб чиқиб, уни парламент ва маҳаллий Кенгашлар олдида ҳимоя қилиши шарт бўлиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган тақлифлар ёшлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Хусусан, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз кайфиятни шакллантириш, ёшлар орасида ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўиш ёшлар парламенти олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис Ёшлар парламенти аъзолари ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этиши, коррупцияга қарши курашни қучайтириш учун ёшларнинг овозини етказиши зарур.

Авозбек АРАББОВЕВ, Олий Мажлис Сенати ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзоси.

